

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲИКМАТОВА МАДИНА ФУРҚАТОВНА

**БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ТИМУС ВА ТАЛОҚНИНГ
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА АНОР ДАНАГИ МОЙИ
БИЛАН КОРРЕКЦИЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳикматова Мадина Фурқатовна

Буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқнинг морфометрик кўрсаткичлари ва анор данаги мойи ёрдамида тузатиш усуллари 3

Хикматова Мадина Фурқатовна

Морфометрические параметры тимуса и селезёнки при почечной недостаточности и пути коррекции маслом гранатовых косточек 25

Hikmatova Madina Furqatovna

Morphometric parameters of thymus and spleen in renal insufficiency and ways of correction with pomegranate seed oil 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲИКМАТОВА МАДИНА ФУРҚАТОВНА

**БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ТИМУС ВА ТАЛОҚНИНГ
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА АНОР ДАНАГИ МОЙИ
БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2379 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ҳамдамова Мухайёхон Тўхтасиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанова Дилноза Ахроровна
тиббиёт фанлари доктори, DSc

Орипов Фирдавс Суратович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тожикистон Абу Али ибн Сина номидаги университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашасосидаги илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашасосидаги илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Р. Облокулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашасосидаги илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотлари маълумотларига кўра, ўткир буйрак етишмовчилиги ҳар йили 13 миллионга яқин инсонга таъсир қилади. ЖССТ экспертларининг фикрига кўра, кейинги йилларда 50 ёшдан ошган ва айти пайтда сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланганлар сони 20%ни ташкил қилмоқда. Буйраклар патологияси ҳаёт сифатининг пасайиши ва барча ёшдаги одамларда ўлимнинг кўпайиши сабаблари орасида 11-ўринда туради. Шу билан бирга, беморларнинг 40%ида кексалик даврида ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланади. 20-30% ҳолларда ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланишининг сабаби кимёвий воситаларнинг таъсири бўлиб, 18,3% ҳолларда фармакотерапиянинг салбий таъсири мавжуд¹.

Дунё бўйича ўткир буйрак етишмовчилиги кенг тарқалган ва 85% ҳолатлар паст даромадли ва ўрта даромадли мамлакатларда қайд этилади. Буйрак етишмовчилигида тимус ва талокдаги ўзгаришлар биринчи марта комплекс равишда ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқотда мазкур органларнинг бири-бири билан морфологик ва функционал боғлиқлиги таҳлил қилинмоқда. Буйрак етишмовчилиги шароитида иммун тизимининг асосий аъзолари бўлган тимус ва талокдаги морфометрик ўзгаришлар уларнинг ўзаро таъсири орқали изоҳланади. Тимус инволюцияси ва талокдаги лимфоид тузилмаларнинг ўзгариши буйрак функциясининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида ҳам буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморлар сони ўсиб бормоқда. 2020 йилда сўнгги босқичдаги буйрак касалликлари билан касалланган беморлар сони 23,773 мингга етди. Буйрак касалликлари гипертония, қандли диабет ва ёшга доир ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бу касалликлар хавфини оширади. Шунингдек, талокнинг тузилмавий ва функционал хусусиятларини ҳам ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади, чунки талок ва тимуснинг иммун аппарати кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, иммунитет тизимининг бошқа периферик аъзоларга қараганда анча мураккаб тузилишга эга. Сўнгги йилларда инсон танасининг соғлиғини сақлаш орқали иммунитет тизимини ҳимоя қилишга тобора катта эътибор қаратилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

¹ World Health Organization website, 2017. <http://www.who.int/healthinfostatistics>.

²Al-Sahli O.A., Tibekina L.M., Flud V.V. Post-stroke epileptic seizures: risk factors, clinical presentation, principles of diagnosis and treatment. Epilepsy conditions. 2023.-№15(2).-P.148-159.

Қарор ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир буйрак етишмовчилиги ва унинг морфологик ўзгаришлари соҳага оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Bellomo et al. (2017) ўзларининг "Acute Kidney Injury: Diagnostic Approaches and Treatment" номли тадқиқотларида ўткир буйрак етишмовчилигининг ташхиси ва даволанишида янги усуллар ва биомаркерларнинг аҳамиятини таъкидлаган. Улар тимус ва талоқнинг ўткир буйрак етишмовчилигидаги морфологик ўзгаришларини ҳам изоҳлаган. Arogundade et al. (2021) ўткир буйрак етишмовчилигининг патогенезини ва унинг морфологиясига таъсирини ўрганган. Улар тимус ва талоқдаги ўзгаришларни, шунингдек, бундай ўзгаришларнинг даволашга таъсирини кўрсатган.

Котова Л.И (2003) ўз тадқиқотларида ўткир буйрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда иммун ва метаболик тизим ҳолатининг ўзгаришларини ўрганган. Долгатова А.А (2017) ўз тадқиқотида узок муддатли босим синдромида иммун тизими ва унинг морфологик ўзгаришларини ўрганган. У асосан, цитокинлар (TNF- α , IL-6, IFN- γ) даражаси, иммун тизим ҳужайралари (CD3G ва CD19) ўзгаришларини, Иммун органлари (талоқ ва тимус) даги морфологик ўзгаришларни таҳлил қилган.

Наврўзова Ш.Ш (2022) ўз илмий ишида артериал гипертензия (АГ) билан оғриган беморларда хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини ўрганган. Ушбу тадқиқотда АГ касаллигининг оғирлик даражасига боғлиқ равишда иммунологик параметрлар таҳлил қилинган. Асосий мақсад – АГ касаллигига учраган беморлар учун эрта профилактика усулларини ишлаб чиқиш эди. Алиев Ш.Р (2020) ўз тадқиқотида сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда, айниқса, диализ терапияси олаётган ва олмаётган беморларда, оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитет ҳолатини ўрганган. Достиев У.А (2016) ўзининг «Терминал босқичдаги сурункали буйрак етишмовчилигида иммун тизими бузилишларининг хусусиятлари» номли тадқиқотида буйрак етишмовчилигининг охирги босқичидаги беморларда иммунологик ўзгаришларни ўрганган.

Аmmo, ўткир буйрак етишмовчилигининг тимус ва талоқ морфологиясига таъсири батафсил ўрганилмаган ва анор данаги мойи орқали ўткир буйрак етишмовчилигининг бошланғич босқичини коррекция қилиш масаласи етарлича тадқиқ қилинмаган. Бизнинг тадқиқотимиз анор данаги мойининг ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатида тимус ва талоқ тўқималарига таъсирини ўрганишга қаратилган. Мавжуд тадқиқотларда бу масала тўлиқ ёритилмаган бўлиб, биз илмий асосланган усуллар орқали унинг самарадорлигини баҳолаймиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022.DSc.152) «СОВИД-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқнинг морфометрик кўрсаткичларини анор данаги мойи билан даволаш самарасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқнинг янги морфометрик ва морфологик кўрсаткичларини аниқлаш;

буйрак етишмовчилигини даволаш босқичида тимусни анор данаги мойи ёрдамида коррекциялаш;

буйрак етишмовчилигини даволаш босқичида талоқни анор данаги мойи ёрдамида коррекциялаш;

буйрак етишмовчилигида ва анор данаги мойи билан даволанганда тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар динамикаси меъзонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. сифатида 120-200 г оғирликдаги 120 та 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оқ зотсиз каламушлар буйрак, тимус ва талоқ тўқимасидан тайёрланган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экспериментал, микроскопик, умумий морфологик, морфометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тажрибавий буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқда морфометрик ўзгаришларнинг кўрсаткичлари аниқланди;

буйрак етишмовчилигининг тузалиш босқичида анор данаги мойи ёрдамида коррекциялаганда тимуснинг янги морфометрик хусусиятлари аниқланди;

буйрак етишмовчилигининг тузалиш босқичида анор данаги мойи ёрдамида коррекцияланганда талоқнинг янги морфометрик ва морфологик хусусиятлари аниқланди;

буйрак етишмовчилигида ва анор данаги мойи билан даволаганда тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар динамикаси меъзонлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўткир буйрак етишмовчилигини анор данаги мойи билан даволаш қуйидаги амалий натижаларни кўрсатди:

ўткир буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқдаги морфологик ўзгаришлар илмий жиҳатдан тасдиқланиб, иммун тизими органларига таъсири аниқланди. Бу натижалар ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатида иммун тизимидаги ўзгаришларни баҳолашда диагностик аҳамиятга эга;

анор данаги мойи билан даволаш усули тажриба ҳайвонларида ўрганилиб, унинг тимус ва талоқ тузилмаларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Бу эса ЎБЕни комплекс даволашда янги коррекция усули сифатида қўлланиши мумкинлигини кўрсатади;

назорат, тажриба ва коррекция гуруҳларидаги ўзгаришларни солиштириш асосида анор данаги мойининг антиоксидант ва иммуномодулятор таъсири тасдиқланди, бу эса уни нефропатиялар профилактикаси ва давосида қўллаш имкониятларини очиб беради;

олинган натижалар клиник амалиётда ўткир буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ иммун тизими бузилишларини барвақт аниқлаш ва даволашда, шунингдек, фитотерапевтик воситаларни қўллаш бўйича илмий асосланган тавсияларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот жараёнида бир бирини тўлдирувчи назарий ёндашув ва замонавий усуллар олиб борилганлиги, тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти жиҳатидан, ош тузи орқали чақирилган ўткир буйрак етишмовчилиги шароитида тимус ва талоқ тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар илк бор комплекс равишда ўрганилди. Олинган натижалар буйрак етишмовчилигининг иммун тизимига таъсирини баҳолашда илмий-амалий асос яратишга хизмат қилади. Тадқиқот давомида анор данаги мойининг антиоксидант, нефропротектор ва иммуномодулятор таъсири аниқланиб, унинг ўткир патологик жараёнларни коррекция қилишдаги аҳамияти илмий жиҳатдан асосланди. Тажриба гуруҳлари (назорат, тажриба ва коррекция) ўртасидаги морфологик ва морфометрик фарқлар тадқиқ этилиб, анор данаги мойи таъсирида тимус ва талоқ тузилмасидаги патологик ўзгаришларнинг пасайиши аниқланди. Бу натижалар иммун тизими органларининг функционал ҳолатини баҳолаш ва иммунитетни сақлаб қолишга қаратилган янги коррекцион усулларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот давомида олинган маълумотлар ўткир буйрак етишмовчилиги ва унинг иммун тизимига таъсирини баҳолашда морфологик ва морфометрик параметрлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди. Тадқиқот натижалари анор данаги мойининг нефропротектор ва иммуномодулятор хусусиятларини илмий асослаб, уни буйрак шикастланишига учраган беморларда тикланиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида клиник амалиётга жорий этиш имкониятларини яратади. Шунингдек, бу тадқиқот ўткир буйрак етишмовчилигида иммун тизимини ҳимоя қилиш ва патологик жараёнларни коррекция қилиш учун фитотерапевтик воситалардан фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Тадқиқот натижалари ветеринария, биомедицина ва клиник нефрология соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган янги терапевтик ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Тажрибавий буйрак етишмовчилигида лаборатория ҳайвонлари тимус ва талоқдаги морфологик ўзгаришларини баҳолаш услуги” номли услубий тавсияномаси ишлаб чиқилди (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.02.24 йилдаги №24-м/032-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқнинг морфометрик хусусиятларини қиёсий ўрганиш учун ва анор данаги мойи билан даволашда фойдаланиш мумкин. Олинган мураккаб морфометрик маълумотлар буйраклар бузилиши ривожланишининг олдини олишга тизимли ёндашув учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўткир буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқ тўқимаси морфометрик белгилари ва морфофункционал ўзгаришларини ўрганиш учун (ССВ илмий техник кенгашининг 22.10.24 й №07/21-сонли хулосаси) ҳамда (СЭО ва ЖСХ вилоят бошқармаси, Рацион хавфсизлик бўлими 18.09.2021йил №649 баённомаси асосида) тасдиқланди. Анор данаги мойини қўллаш учун рухсатномаси Илмий ишларнинг олинган натижаларини клиник амалиётга жорий этиш эрта ташхис қўйиш, касалликнинг ривожланиш даражасини, асоратларни камайтиришга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берди.

биринчи илмий янгилик: тажрибавий ҳайвонларда буйрак етишмовчилигини ош тузи ёрдамида чақириш усулига Интеллектуат Мулк Агентлигидан гувоҳнома олинган (Гувоҳнома рақами № № 008626) Ўткир буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқ тўқимаси морфометрик белгилари ва морфофункционал ўзгаришларини ўрганиш, ҳамда анор уруғи мойи билан коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар Республика ихтисослашган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Давлат муассааси Бухоро филиали, Бухоро вилояти репродуктив маркази, Бухоро вилояти скрининг марказига амалиётга жорий этилди. Илмий ишларнинг олинган натижаларини клиник амалиётга жорий этиш эрта ташхис қўйиш, касалликнинг ривожланиш даражасини, асоратларни камайтиришга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Буйрак етишмовчилиги давомида иммун тизими аъзоларидаги (тимус ва талоқ) ўзгаришларнинг илк белгилари аниқланиши касалликни эрта босқичда ташхислашга ёрдам беради. Тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар иммун тизими фаолиятининг бузилишини акс эттиради. Бу маълумотларга асосланган ҳолда, иммунитетни тиклашга йўналтирилган профилактика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш мумкин. Бундай ёндашув аҳоли ўртасида буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ асоратларни камайтиришга ҳисса қўшади. Бу аҳоли орасида юқори учрайдиган патологияларни тезроқ аниқлаш ва беморларга ўз вақтида ёрдам бериш имкониятини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ иммун тизими аъзоларидаги ўзгаришларни эрта босқичда аниқлаш орқали қимматбаҳо даволаш жараёнларига эҳтиёж камаяди. Тадқиқот натижалари асосида касалликни олдини олиш дастурлари ишлаб чиқилиши юқори

қийматли мураккаб даволаш жараёнларини минималлаштиради. Иммуно-тизимига таъсир этувчи янги, арзон ва самарали дори воситалари ишлаб чиқилиши иқтисодий самарадорликни оширади. Маҳаллий ишлаб чиқариш орқали янги иш ўринлари яратилиб, мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатилади.

иккинчи илмий янгилик: биринчи марта буйрак етишмовчилигининг тузалиш босқичида анор данаги мойи ёрдамида коррекциялаганда тимуснинг янги морфометрик хусусиятлари аниқланди. Республика ихтисослашган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Давлат муассааси Бухоро филиали, Бухоро вилояти репродуктив маркази, Бухоро вилояти скрининг марказига амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ ҳолатлар жиҳатидан жамоат саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатаётган ушбу янгилик, оғир тиббий шартларда яшовчи аҳоли учун муҳимдир. Ушбу тадқиқотнинг натижалари касалликларнинг олдини олишга, даволашга ва қайта тиклашга йўналтирилган профилактик тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Даволаниш жараёнларида кимёвий дори-дармонларни кам ишлатиш, табиий воситаларга эътибор бериш ижтимоий соғлиқни яхшилади ва касалликларнинг тарқалишини камайтиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Бу тадқиқотнинг натижалари буйрак етишмовчилиги каби оғир касалликларнинг эрта аниқланиши ва даволаш имкониятларини яратади. Эрта даволаш давомида аниқланган морфометрик ўзгаришлар касалликнинг узоқ давомидаги асоратларини олдини олишга ёрдам беради. Бу ёрдам эса бир неча йиллар давомида даволашга сарфланадиган маблағларни камайтиришга имкон беради. Даволашнинг самарали йўллари аҳоли учун тиббий хизматлар харажатларини сезиларли даражада қисқартиради;

учинчи илмий янгилик: биринчи марта буйрак етишмовчилигининг тузалиш босқичида анор данаги мойи ёрдамида коррекцияланганда талокнинг янги морфометрик ва морфологик хусусиятлари аниқланди; Республика ихтисослашган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Давлат муассааси Бухоро филиали, Бухоро вилояти репродуктив маркази, Бухоро вилояти скрининг марказига амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Табиий воситалардан фойдаланишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Анор данаги мойи каби табиий воситалардан фойдаланиш, уларнинг ишлаб чиқарилишини ва оммалаштирилишини рағбатлантиради. Бу маҳаллий ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини оширади, давлат учун янги иқтисодий манбаалар яратади. Шу билан бирга, маҳаллий маҳсулотларга бўлган талабни оширади ва мамлакатнинг ташқи савдоси учун янги йўналишлар очади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги анор данаги мойи каби табиий воситаларни даволашда

ишлатиш кимёвий дориларни ишлатишга қараганда арзонроқ ва самарали альтернатива бўлиши мумкин. Бу, тиббий таъминот харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Табиий воситалардан фойдаланиш ҳамда уларнинг самарадорлигини исботлаш фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган талабни камайтиришга ёрдам беради, бу эса фармацевтика секторида сарфланадиган маблағларни камайтиради.

тўртинчи илмий янгилик: Алгоритмнинг асосий мақсади — буйрак етишмовчилигининг турли босқичларида тимус ва талоқнинг морфометрик кўрсаткичларини динамик тарзда аниқлаш. Бунинг натижасида, табобатнинг самарадорлигини баҳолаш ва касалликнинг ёки даволаш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Алгоритмнинг ишлаб чиқилиши, асосан, тўғри диагностика қилиш ва даволаш жараёнларини яхшилаш учун муҳимдир. Ушбу алгоритм орқали ташкил қилинган тадқиқотлар талоқ ва тимуснинг морфометрик ўзгаришларини аниқлашда, уларни даволашда самарадорликни оширишга ёрдам беради. Республика ихтисослашган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Давлат муассааси Бухоро филиали, Бухоро вилояти репродуктив маркази, Бухоро вилояти скрининг марказига амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Бу алгоритмнинг ишлаб чиқилиши тиббий диагностика ва даволаш жараёнларини оптимизациялашга ёрдам беради. Тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар динамикасини аниқлаш орқали, беморларга тўғри даволаш усулларини кўрсатиш ва уларга самарали тиббий ёрдам бериш имконияти пайдо бўлади. Бу ижтимоий аҳамиятга эга, чунки кўпроқ беморлар даволашнинг самарадорлигидан фойдаланиш имконига эга бўлади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* бу алгоритм даволашнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Эрта аниқлаш ва тўғри даволаш орқали, беморларнинг узок муддат даволанишга эҳтиёжлари камаяди. Бунинг натижасида давлат тиббий ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини олади ва тиббий хизматларга сарфланадиган маблағларнинг камайишига олиб келади. Буйрак етишмовчилигида лаборатория ҳайвонлари тимуси ва талоғидаги морфологик ўзгаришларини баҳолаш услубининг қўлланилиши тажрибаларда лаборатория ҳайвонларини кам қўллаш, тажрибавий тадқиқотлар ва морфологик текширишларни оптималлаштириш ҳисобига ҳар бир тажрибавий тадқиқот серияси учун сарфланган маблағнинг 161 000 сўмгача тежалишини кўрсатди. Тажриба ўтказиш учун ЎзР ССВ қошидаги этик қўмитадан рухсат олинди (02.12.2023й., №8/14-1824).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва бўлимлари 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола,

жумладан, 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган, 1та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади, ҳажми 113 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги аниқланган, тадқиқотнинг республика фанининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Буйрак етишмовчилигида тимус ва талокнинг морфометрик параметрлари ва анор данаги мойи билан тузатиш усуллари бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида сўнги йилларда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинади. Ушбу боб тўрт бўлимдан иборат бўлиб, улар адабиётлардан олинган маълумотларни умумлаштиради ва муаммонинг долзарблигини асослайди.

Диссертациянинг «**Материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик, морфометрик, морфологик, биокимёвий усуллар келтирилган.

Тадқиқот иши 2021-2023 йилларда Бухоро давлат тиббиёт институти виварийсида ўтказилди. Лаборатор каламушларнинг экспериментал клиник тадқиқотлари 2023 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Этик қўмитаси расмий рухсатнома асосида амалга оширилган (№ 8/14 – 1824). Бу тадқиқотлар ўтказиш учун рухсат (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2023 йил 1 декабрдаги Этик қўмита йиғилишининг № 8 баённомасидан кўчирма). Экспериментал тадқиқот учун, 160-180 г оғирликдаги 120 та оқ зотсиз каламушлар танланди. Барча лаборатория ҳайвонлари битта виварийдан олинди ва бир хил ёшда бўлди. Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига риоя қилинди. Ҳайвонларга етарли даражада сув берилган ва мувозанатлаштирилган парҳез билан боқилган.

Тадқиқот материаллари параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида статистик текширув ўтказилди. Бошланғич маълумотларнинг йиғилиши, тузатилиши, тизимлаштирилиши ва олинган натижаларнинг визуализацияси Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилди. Нормал тақсимотга эга микдорий маълумотлар тўпламларида ўртача қийматларни солиштиришда Студентнинг т-критерияси ҳисобланди. Студентнинг т-критерияси қийматлари танқидий

қийматлар билан таққосланди. Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар аҳамиятли деб ҳисобланиши учун ишонч даражаси $p < 0,05$ бўлиши керак эди.

Диссертациянинг «Назорат гуруҳи, тажрибада ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилган оқ зотсиз каламушлар тимус ва талоғидан олинган хусусий текшириш натижалари» деб номланган учинчи бобида текширув натижалари курсатилган. Текширувга киритилган каламушлар 1-навбатда тана вазнидаги фарқлар аниқланган (1-жадвал).

1- жадвал

3 ойлик оқ зотсиз каламушнинг тана вазнидаги фарқлар

Шароит	Ўртача тана вазни (грамм)
Нормал ҳолатда	120 ± 4.17
Тузли сув истеъмол қилганда	170 ± 2.94
Анор уруғи мойи билан даволангандан кейин	140 ± 3.57

Барча лаборатория ҳайвонлари уч гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳ – назорат гуруҳи (n=40) – лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий рацион ва ичимлик суви – *ad libitum* (лотинча «ўз хоҳишига кўра») билан боқилди. 2-асосий гуруҳ (n=40) – лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий рацион ва ўз парҳезида кунига ўртача 3% ли тузли эритма 10 мл/кг вазнга миқдорда берилади. 15 г тузга 500 мл сувга аралаштириш натижасида 3% тузли эритма ҳосил бўлади. Масалан, 140 г каламуш учун: Доза=10мл/кг×0,14кг=1,4мл/кун (28 томчи) тузли сув қабул қилган. 1,4 мл/0,05 мл ≈ 28 томчи. Бу 140 г тана массасига тўғри келади. Бу эритма 10 кун давомида берилди. 3-асосий гуруҳ (n=40) – лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий рацион ва шу дозада туз истеъмол қилди, аммо бу ҳолда улар ўз парҳезида анор уруғи мойини 0,14 мл (3 томчидан) кунига 1 маҳал эрталаб орал зонд билан 1 ой давомида берилди. Доза=1мл/кг×0,14кг=0,14 мл. Агар 1 томчи анор ёғи тахминан 0,05 мл бўлса, 3 томчининг ҳажми қуйидаги формула орқали ҳисобланади: Ҳажм (мл)=Томчининг ҳажми (мл)×Томчилар сони.

Туз таъсирида Буйрак гломерула диаметри нормал кўрсаткичдан 18%га ошган. Даволашдан сўнг бу кўрсаткич нормал даражага яқинлашиб, 2%га юқори бўлган. Туз таъсирида капсула (Шумлянский-Боумен) қалинлиги нормал кўрсаткичдан 35%га ошган. Даволаш натижасида капсула қалинлиги 25%га ошган, лекин ҳали ҳам нормал даражадан юқори сақланган. Туз таъсирида бирламчи бўртма кенглиги 43%га ошган. Даволаш натижасида кенглик нормал кўрсаткичдан 15%га юқори бўлган. Иккиламчи бўртма кенглиги туз таъсирида 59%га ошган. Даволашдан сўнг бу кўрсаткич нормал даражадан 12%га юқори бўлган. Туз таъсирида каналчалар кенглиги нормал


кўрсаткичдан 26%га ошган. Даволаш натижасида бу кўрсаткич нормал даражадан 6%га юқори сақланиб қолган (2-жадвал).

2-жадвал

Оқ наслсиз каламуш буйрак нефронининг морфометрик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар динамикаси ($M \pm \sigma$)

Буйрак нефронининг морфометрик кўрсаткичлари		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Анор данаги ёғи билан даволаш гуруҳи
Коптокча диаметри		41,32±1,73	48,69±1,73*	42,16±2,16 ^x
Капсула (Шумлянский-Боумен) қалинлиги		11,03±0,86	14,89±0,87*	13,82±0,96 ^{xxx}
Бўшлиқ кенглиги	Бирламчи бўртма	10,4±1,07	14,89±1,15*	11,93±1,23 ^{xx}
	Иккиламчи бўртма	9,14±1,28	14,57±1,37*	10,25±0,86 ^{xxx}
Йиғувчи каналчалар		16,07±1,5	20,25±1,16*	17,05±1,71 ^x

Изоҳ: * - нормадан фарқнинг ишончилиги (***- $p < 0,05$; **- $p < 0,01$; *- $p < 0,001$);
 x – тажриба гуруҳига нисбатан фарқнинг ишончилиги (xxx - $p < 0,05$; xx - $p < 0,01$; x - $p < 0,001$)



1-расм. Тажрибадаги 3 ойлик оқ наслсиз каламуш буйрак тўқимасининг микроскопик кўриниши (об. 10x20 ок.)

Гематоксин-эозин бўёғи билан бўялган. Буйрак тўқимасидаги асосан проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалар деворидаги нефротелий хужайраларда ядро аниқланмайди (кариолизис) (1). Буйрак интерстициал тўқимасида лейкоцитларнинг тўпланиши (2). Буйрак тўқимасида оралик тўқима шиши аниқланди.

Ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ) – бу буйракларнинг тўсатдан ва шиддат билан ўз вазифаларини бажара олмаслик ҳолати бўлиб, у каламушларда ҳам, инсонларда ҳам жиддий касаллик саналади. Умумий оқсил (г/л) Назорат гуруҳида умумий оқсил даражаси 76,5 г/лни ташкил қилди. Тажриба гуруҳида ушбу кўрсаткич 78 г/лга ошган бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан 1,02 баробарга кўпайган. Анор данаги мойи билан даволанган


гуруҳда умумий оқсил миқдори 75 г/лга тушган, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 0,98 баробарга камайганини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

Ўткир буйрак етишмовчилигидан кейин тикланиш даврида анор данаги мойи билан коррекция қилинганда буйракда юза келадиған биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат n=40	Тажриба n=40	Анор данаги мойи билан даволанган н n=40
Умумий оқсил (г/л)	76,5±6,54	78±6,41	75±6,67
Креатинин (ммоль/л)	70,5±7,09	115±4,35*	42±11,90**
Мочевина (мкмоль/л)	5±100	4,6±108,70	7,1±70,42*

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (***) - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); x - тажриба гуруҳига нисбатан (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001).



2- расм. Ўткир буйрак етишмовчилигидан кейин тикланиш даврида анор данаги мойи билан коррекция қилинганда буйракда юза келадиған биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили.

Креатинин (ммоль/л). Назорат гуруҳида креатинин даражаси 70,5 ммоль/лни ташкил этди. Тажриба гуруҳида креатинин миқдори 115 ммоль/лгача ошган бўлиб, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,63 баробарга юқори. Анор данаги мойи билан даволанган гуруҳда креатинин даражаси 42 ммоль/лгача тушган бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан 0,60 баробарга камайган. Мочевина (мкмоль/л). Назорат гуруҳида мочевина даражаси 5 мкмоль/лни ташкил этди. Тажриба гуруҳида ушбу кўрсаткич 4,6 мкмоль/лгача камайган, бу назорат гуруҳига нисбатан 0,92 баробарга паст (3-жадвал).

Тимус пўстлоқ қисмининг майдони (мм²): Назорат гуруҳи: Ўртача 1,13±0,16 мм² бўлиб, 100% стандарт сифатида қабул қилинди. Тажриба гуруҳи: Тузли сув таъсирида майдон 1,88±0,26 мм² га кенгайиб, 66,4% ни ташкил этади. Анор мойи билан даволаш: Даволаш натижасида майдон 1,36±0,26 мм² бўлиб, 20,4% ни ташкил қилди (6-жадвал). Мағз қисмининг майдони (мм²): Назорат гуруҳи: Ўртача 0,25±0,05 мм², 100% стандарт сифатида қабул қилинди. Тажриба гуруҳи: Майдон 0,37±0,09 мм² бўлиб, 48% га ошган. Анор мойи билан даволаш: Даволаш натижасида майдон 0,28±0,04 мм² бўлиб, 12% ни ташкил қилди. Кортикал қисмининг майдони (мм²): Назорат гуруҳи: Ўртача 0,88±0,13 мм², 100% стандарт сифатида қабул қилинди. Тажриба гуруҳи: Майдон 1,51±0,17 мм² бўлиб, 71,6% ни ташкил қилди. Анор мойи билан даволаш: Даволаш натижасида майдон 1,07±0,19 мм² бўлиб, 21,6% ни ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Тажрибавий ҳайвонларнинг тимус бўлакчаларининг морфометрия хусусиятлари (мм²) (M±σ)

гуруҳ қисмлари	Пўстлоқ қисмининг майдони	Мағз қисмининг майдони
назорат	1,13±0,16	0,25±0,05
тажриба	1,88±0,26*	0,37±0,09*
анор данаги мойи билан даволланган	1,36±0,26***x	0,28±0,04 ^x

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (***) - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); x - тажриба гуруҳига нисбатан (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001).



3-расм. Тажрибавий ҳайвонларда тимус қисмларининг морфометрик хусусиятлари.

Талоқ лимфопоезда ва организмга ёт антигенлар қонга тушганда уларни зарарсизлантиришда иштирок этувчи муҳим аъзолардан бири ҳисобланади. Талоқда организмга тушган антигенларга боғлиқ ҳолда Т- ёки В-лимфоцит ҳужайраларнинг шу таъсирга жавобан сонининг ошиши ва табақаланиши, эффектор ҳужайралар ва хотира ҳужайраларни ўзига сақлайди. Инсонларда талоқнинг эмбрионал ривожланишига назар солганда она қорнида ривожланишнинг 5-ҳафтасида дорсал жойлашган ичак тутқичидан ривожланади, дастлабки босқичда мезенхимал тўқимадан иборат зич консистенцияли аъзо кўринишида бўлиб, бирламчи қон томирлар ривожланади. Кейинчалик мезенхимал тўқималар ретикуляр тўқималарга айланади. Булардан гемопоестик ўзак ҳужаралар ривожланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, анор данаги мойи талоқнинг узунлигида ижобий ўсишга олиб келган бўлса-да, эни ва қалинлигини камайтиришга таъсир кўрсатган. Бу натижалар анор мойининг талоқ тузилишига таъсир қилиб, унинг нормаллашиш ва гипертрофиянинг камайишига ёрдам берганини кўрсатади (5-жадвал).

5-жадвал

Оқ зотсиз каламушларнинг талоқ ўлчамлари: назорат гуруҳи, тажриба гуруҳи ва анор данаги мойи билан коррекция қилинган (КМКГ) ($M \pm \sigma$)

Каламуш гуруҳлари	Талоқ ўлчамлари мм		
	узунлиги	эни	қалинлиги
Назорат гуруҳи	41,71±1,14	9,14±0,96	7,8±0,69
Тажриба гуруҳи	45,2±1,82	11,2±0,81	9,2±0,56*


Анор данаги мойи билан даволланган гурух	42,29±1,64**	8,86±0,86	7,86±0,82* ^{xx}
--	--------------	-----------	--------------------------

Эслатма: * назоратга нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); x - тажриба гуруҳига нисбатан (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001).



4-расм. Оқ наслсиз каламушнинг талок ўлчамлари

Тадқиқот натижаларига кўра, анор данаги мойи билан даволланган гуруҳларда ҳар хил морфометрик кўрсаткичларда турлича ўзгаришлар кузатилди. Ҳар бир кўрсаткичдаги ўзгаришлар шундан далолат берадики, анор мойи муайян ҳудудларда ижобий ва камайишга олиб келган таъсирларга эга (5-жадвал).



5-расм. Тажрибада ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилган гуруҳдаги 3 ойлик оқ наслсиз каламуш талок тўқимасининг микроскопик кўриниши (об. 10x20 ок.)

Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган, 200 марта катталаштирилган. Талок капсуласи қалинлашган (1). Қон томирларда қон миқдори ошиб, майда тромблар юзага келган (2).

Капсула ва трабекула кўрсаткичлари анор мойи билан даволаш орқали сезиларли камайган. Қизил пульпа ҳам анор мойи билан даволаш ортидан катта даражада (21,76%) тушган. ЛУ ва ПАЛВ кўрсаткичлари анор мойи билан даволанганда сезиларли ошган. МЗ кўрсаткичи ҳар иккала ҳолатда ҳам юқори ўсиш қайд этган. МС кўрсаткичи фақат анор мойи билан даволанганда 12,20%га ошган (6- жадвал).


6-жадвал

Оқ зотсиз каламушларнинг талок ўлчамлари: назорат гуруҳи, тажриба гуруҳи ва анор данаги мойи билан коррекция қилинган (КМКГ) (M±σ)

Каламуш гуруҳлари	назорат	тажриба	Анор данаги мойи билан даволанган
Капсула	2,9±0,31	2,6±0,29**	2,2±0,31* ^x
Трабекула	3,6±0,69	2,9±0,22*	1,5±0,11* ^x
Қизил пульпа	53,4±1,13	48,8±1,37*	41,8±1,11* ^x
ЛУ	10,4±1,16	10,6±1,12	14,1±0,88* ^x
ПАЛВ	8,8±1,15	8±0,89***	12,6±1,17* ^x
МЗ	16,8±2,13	23,1±2,11*	23,2±1,7*
МС	4,1±0,55	4,0±0,27	4,6±0,6*** ^{xx}

Эслатма: * назоратга нисбатан фарқларнинг ишончилиги белгиланган (** - P<0,05; *** - P<0,01; * - P<0,001); x - тажриба гуруҳига нисбатан (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001).

Диссертациянинг тўртинчи боби «Ўткир буйрак етишмовчилигидан кейин тикланиш даврида анор данаги мойи билан коррекция қилинганда тимус ва талокда юзага келадиган морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар таҳлили»да микроскопик жиҳатдан кўрилганда тимуснинг капсуласи калинлашган, пўстлоқ ости соҳасида лимфобласт хужайраларининг нисбатан кўпайиши (пролиферацияси) аниқланди ва шу қисмда эпителий хужайраларида турли хилдаги эозинофил киритмалар мавжудлиги кўринади. Аъзонинг артерия томирлари атрофида макрофаг ва лимфоцитларнинг нисбатан ошганлиги, тимусда томирлар атрофи периваскуляр соҳада шишларнинг камайганлиги ва мағиз қаватида ҳам лимфоцитлар сонининг нисбатан ошганлиги кўринади (6-расм).



6-расм. Ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилгандан кейин тикланиш даврида анор данаги мойи билан даволанган гуруҳдаги 3 ойлик оқ наслсиз каламуш тимусининг микроскопик кўриниши (об. 10x10 ок.)

Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган, 100 марта катталаштирилган. Тимус беги тўқимасида лимфоцитларнинг кўпайиши (пролиферацияси) (1).

ЎБЕнинг тикланиш босқичида анор данаги мойи қўлланганда безнинг морфометрик кўрсаткичларга нисбатан ижобий таъсири аниқланди ва без массасининг 4%га, ҳажмининг 3%га, пўстлоқ қисми кесимининг 3,5%га ошиши ва мағиз қисми кесимининг 3%га камайиши аниқланди.

Шундай қилиб, талоқнинг гистологик тузилишидаги ўзгаришлар текширилганда, ҳужайраларнинг соғлом ҳолатга қайтишини кўрсатувчи белгилар кузатилди. Анор данаги мойининг антиоксидант хусусиятлари талоқда эркин радикалларнинг зарарли таъсирини камайтиришга ёрдам берди. Ушбу натижалар анор данаги мойининг ўткир буйрак етишмовчилигини даволашда ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.



7-расм. Оқ зотсиз каламушларнинг талоқ ўлчамлари: назорат гуруҳи, тажриба гуруҳи ва анор данаги мойи билан коррекция қилинган (КМКГ) ($M \pm \sigma$)

ХУЛОСА

«Буйрак етишмовчилигида тимус ва талоқнинг морфометрик кўрсаткичлари ва анор данаги мойи ёрдамида тузатиш усуллари»


мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўткир буйрак етишмовчилигининг тикланиш босқичида анор данаги мойи қўлланилганда тимуснинг морфометрик кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланди. Тузли сув тимус пўстлоқ қисми майдонини 66,4%га оширди ($p < 0,001$), бу стресс ҳолатида тўқима гипертрофиясини кўрсатади. Анор данаги мойи билан даволашда тимус пўстлоқ қисми майдони 20,4%га камайиб ($p < 0,05$), бу тўқима тузалиш жараёнини кўрсатади. Тузли сув мағиз қисми майдонини 48%га оширган бўлса ($p < 0,001$), анор данаги мойи билан даволаш уни камайтириб, нормал ҳолатга яқинлаштирди. Тузли сув стресс ҳолатида кортикал қисм майдонини 71,6%га оширди ($p < 0,001$), анор данаги мойи кортикал қисм майдонини нормаллаштиришга ёрдам берди ва унинг ошиши 21,6%ни ташкил қилди ($p < 0,05$).

2. Тимус ва талокдаги янги морфометрик кўрсаткичлар қуйидагича ўзгарди: тузли сув таъсири талок узунлигини 1,18 баравар оширган бўлса, анор мойи талок узунлигини назорат гуруҳидан 3,79 баравар оширди. Тузли сув таъсирида талок энида аҳамиятли ўзгариш кузатилмади, аммо анор данаги мойи билан даволанган гуруҳда талок эни 8,86 мм 3,06 баравар камайди. Тузли сув талок қалинлигини 15,38 баравар камайтирди, бу тўқималар атрофиясини кўрсатади. Анор данаги мойи билан даволанган гуруҳда ушбу кўрсаткич 5,86 мм 24,87 баравар камайди. Тузли сув стресс ҳолатида тимуснинг барча таркибий қисмлари гиперплазиясига сабаб бўлди. Анор данаги мойи билан даволаш гиперплазия даражасини пасайтириб, тимус пўстлоқ қисмининг майдонини 1,36 мм² 20,4 баравар, мағиз қисмининг майдонини 0,28 мм² 12 баравар ва кортикал қисмининг майдонини 1,07 мм² 21,6 баравар камайтириб, нормал ҳолатга яқинлаштирди.

3. Анор данаги мойи билан даволаш натижасида талокнинг морфофункционал тикланиш жараёнида қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: Қизил пульпа ҳажми 1,28 баравар камайди. Капсула ҳажми 1,32 баравар камайди. Лимфоид уялар фаолияти 1,36 баравар ошди. Периартериал лимфоид муфта фаолияти 1,43 баравар ошди. Марказий зона кўрсаткичи 1,38 баравар ошди. Маргинал синус кўрсаткичи 1,12 баравар ошди. Бу натижалар анор данаги мойининг лимфоид тўқималар фаолиятини кучайтириш ва иммун тизим ҳимоя қобилиятини оширишда муҳим таъсирга эга эканини кўрсатади

4. Тадқиқот натижалари, анор данаги мойи ва буйрак етишмовчилиги шароитида аъзолар тўқимасининг морфологик параметрларидаги ўзгаришларни аниқлаш учун меъзон ишлаб чиқилди. Бу меъзонда тимуснинг массаси, ҳажми, капсула, трабекула ва пульпа параметрлари ҳамда талокнинг морфометрияси ва функционал кўрсаткичлари инобатга олинди. Тимус ва талокдаги морфометрик ўзгаришларнинг динамикаси бу аъзоларнинг иммун фаолиятини ва умумий соғлиқни аниқлашда муҳимдир. Анор данаги мойи билан даволаш жараёнида кузатилган ижобий ўзгаришлар бу аъзоларнинг тикланишини ва фаоллигини оширишга ёрдам берди. Ушбу алгоритмнинг ишлаб чиқилиши клиник амалиётда анор данаги мойининг самарадорлигини аниқлаш ва даволаш стратегияларини такомиллаштириш учун асос бўлади.



9-расм. Буйрак етишмовчилигида ва анор данаги мойи билан даволаганда тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар динамикаси меъзонлари ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХИКМАТОВА МАДИНА ФУРКАТОВНА

**МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ТИМУСА И СЕЛЕЗЁНКИ
ПРИ ПОЧЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ И ПУТИ КОРРЕКЦИИ
МАСЛОМ ГРАНАТОВЫХ КОСТОЧЕК**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2025

Тема диссертации доктора философии (ПхД) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за № В2022.1.Phd/Ти62379.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.бсми.уз и на Информационно-образовательном портале “Зиёнет” по адресу: www.зиёнет.уз.

Научные руководители: **Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хасанова Дилноза Ахроровна**
доктор медицинских наук, DSc

Орипов Фирдавс Суратович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Университет имени Абу Али ибн Сина**
Таджикистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (адрес: 200126, Бухара, ул. Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-маил: инфо@бсми.уз).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 200126, Бухара, ул. Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2025года).

Ш.Дж. Тешаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Қ. Дўстова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Р. Облокулов

Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) и других организаций здравоохранения, острая почечная недостаточность ежегодно затрагивает около 13 миллионов человек. По мнению экспертов ВОЗ, в последние годы число пациентов старше 50 лет, страдающих хронической почечной недостаточностью, составляет 20%. Патологии почек занимают 11-е место среди причин снижения качества жизни и увеличения смертности среди людей всех возрастов. При этом у 40% пациентов в пожилом возрасте развивается острая почечная недостаточность. В 20-30% случаев причиной развития острой почечной недостаточности является воздействие химических веществ, а в 18,3% случаев — негативное влияние фармакотерапии человека¹.

Острая почечная недостаточность широко распространена во всем мире, и 85% случаев регистрируются в странах с низким и средним уровнем дохода. Изменения в тимусе и селезенке при почечной недостаточности впервые изучаются комплексно. В данном исследовании анализируется морфологическая и функциональная взаимосвязь этих органов. Морфометрические изменения в тимусе и селезенке при почечной недостаточности объясняются их взаимным влиянием. Инволюция тимуса и изменения лимфоидных структур селезенки проявляются в связи с нарушением функции почек.

В нашей стране также наблюдается рост числа пациентов с почечной недостаточностью. В 2020 году количество больных с терминальной стадией почечных заболеваний достигло 23 773. Почечные заболевания связаны с гипертонией, сахарным диабетом и возрастными изменениями, что увеличивает риск их развития. Кроме того, изучение структурных и функциональных особенностей селезенки является актуальной проблемой, поскольку, согласно мнению многих исследователей, иммунный аппарат селезенки и тимуса имеет более сложное строение по сравнению с другими периферическими органами иммунной системы. В последние годы все больше внимания уделяется защите иммунной системы через поддержание здоровья организма².

Диссертационное исследование в определённой степени способствует реализации задач, установленных в следующих нормативно-правовых документах: Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-6110 от 12 ноября 2020 года «О введении совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и повышении эффективности реформ в системе здравоохранения», а также в других нормативно-правовых актах, регулирующих данную деятельность. Кроме того, исследование поддерживает выполнение положений Постановления Президента №ПҚ-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по

¹ World Health Organization website, 2017. <http://www.who.inthealthinfostatistics>.

² Al-Sahli O.A., Tibekina L.M., Flud V.V. Post-stroke epileptic seizures: risk factors, clinical presentation, principles of diagnosis and treatment. Epilepsy conditions. 2023.-№15(2).-P.148-159.

обеспечению общественного здоровья через повышение эффективности профилактической медицины».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: ВИ. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Острая почечная недостаточность и ее морфологические изменения были предметом многочисленных исследований. В исследовании Bellomo et al. (2017) под названием "Acute Kidney Injury: Diagnostic Approaches and Treatment" подчеркивается значение новых методов и биомаркеров в диагностике и лечении острой почечной недостаточности. Они также описали морфологические изменения тимуса и селезенки при этом заболевании. Arogundade et al. (2021) изучали патогенез острой почечной недостаточности и ее влияние на морфологию. В их работе рассматриваются изменения в тимусе и селезенке, а также влияние этих изменений на процесс лечения.

